



1991-yildan
chiqa boshlagan.

2015-yil. 10-son.

ISSN 2010-5584

TIL VA ADABIYOT TA'LIMI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA'LIMI VAZIRLIGINING
ILMIY-METODIK JURNALI

НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ
ЖУРНАЛ МИНИСТЕРСТВА
НАРОДНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ПРЕПОДАВАНИЕ
ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ

LANGUAGE AND LITERATURE
TEACHING

SCIENTIFIC-METHODOLOGICAL JOURNAL OF THE MINISTRY
OF PUBLIC EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

www.tilvaadabiyot.uz til@sarkor.uz www.tilvaadabiyot.uz til@sarkor.uz www.tilvaadabiyot.uz til@sarkor.uz www.tilvaadabiyot.uz til@sarkor.uz

21-oktabr – «Davlat tili haqida»gi Qonun qabul qilingan kun



B.Rizoqulov olgan surat.

USHBU SONDA



Betakrorimsan,
yagonasan,
ona Vatanim –
O'zbekistonim!

«Navoiy nigohini his
qilib yashadim»

3-bet



21-oktabr –
«Davlat tili haqida»gi
Qonun qabul
qilingan kun

Til – millatning
bosh belgisi

6-bet



«Sen o'z xulqungni
tuzgil...»

33-bet



Литературоведение
Орнитологические
мотивы в повести
Гафура Гуляма
«Озорник»

стр. 59



К юбилею
поэта
Место и роль
фразеологии
в творчестве
С.Есенина

стр. 61



O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
2014-yil 19-dekabrda
0055-raqam bilan qayta
ro'yxatga olingan.

2015-yil. 10-son.

1991-yildan chiqa boshlagan

TIL VA ADABIYOT TA'LIMI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA'LIMI VAZIRLIGINING
ILMIY-METODIK JURNALI

НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ
ЖУРНАЛ МИНИСТЕРСТВА
НАРОДНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Я ПРЕПОДАВАНИЕ ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ LANGUAGE AND LITERATURE TEACHING

SCIENTIFIC-METHODOLOGICAL JOURNAL OF THE MINISTRY
OF PUBLIC EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Bosh muharrir:

Bahodir JOVLIYEV

Tahrir hay'ati:

Baxtiyor DONIYOROV

Mamatqul JO'RAYEV

Shahnoza JO'RAYEVA

Islom ZOKIROV

Ulug'bek INOYATOV

Abduhamid MUXTOROV

(bosh muharrir o'rinbosari)

Nizomiddin MAHMUDOV

Nargiza RAHMONQULOVA

Hikmatilla RASHIDOV

Sirojiddin SAYYID

Ergash UMAROV

Jamoatchilik kengashi:

Muhammadjon ALIYEV

Ergesh ABDUVALITOV

Manzura DADAXO'JAYEVA

Lutfullo JO'RAYEV

Ehson TURDIQULOV

Valijon QODIROV

Sahifalovchilar:

Husan SAFARALIYEV

Gulnoza VALIYEVA

Tahririyat manzili:

100129, Toshkent shahri, Navoiy
ko'chasi, 30-uy.

Telefon: (8-371) 244-04-18,

244-04-15, 244-20-63, 244-26-89.

e-mail: til@sarkor.uz

veb-sayt: www.tilvaadabiyot.uz

Jurnaldan ko'chirib bosilgan maqolalar «Til va
adabiyot ta'limi»dan olindi, deb izohlanishi shart.

Jumalda nashr etilgan maqolalarda mualliflarning
tahririyat nuqtayi nazariga muvofiq kelmaydigan
fikr-mulohazalari bosilishi mumkin.

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilin-
maydi va muallifga qaytarilmaydi.

Bosmaxonaga 19.10.2015-yilda topshiril-
di. Ofset usulida chop etildi. Qog'oz bichimi
60x84¹/₈. Shartli bosma tabog'i 6.0. «Times»
garniturasini 10, 11 kegl. «SANO-STANDART»
MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: Toshkent sh. Shiroq ko'chasi, 100.
Buyurtma №1170 Adadi 7500 nusxa.

MUNDARIJA

BETAKRORIMSAN, YAGONASAN, ONA VATANIM – O'ZBEKISTONIM!

Uldona Abdurahmonova. «Navoiy nigohini his qilib yashadim».....3

21-OKTABR – «DAVLAT TILI HAQIDA»GI QONUN QABUL QILINGAN KUN

Yorqinjon Odilov. Til – millatning bosh belgisi.....6

DOLZARB MAVZU

Narziqul Turdiyev, Qumrixon Sultonova. Tajriba-sinov natijalari: sarhisob va vazifalar.....10

Saodat Yuldosheva. O'quvchilarda kompetensiyalarni shakllantirish.....12

Gulshan Asilova. Kasbiy layoqat qanday shakllanadi?.....13

DARS – MUQADDAS

Dilafruz Mo'minova. Sodda yig'iq va sodda yoyiq gaplar.....15

Munajat Mamasharipova. «Emas oson bu maydon ichra turmoq».....17

ILG'OR PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR

Zeboxon Saydahmedova. «Hikmatli anogramma» usuli.....18

M.Hazratqulov. Rasm asosida insho yozish metodikasi.....19

Zilola Amonova. Akademik litseyda Zulfiya ijodini o'rganish.....21

LET'S LEARN ENGLISH

Lutfullo Jo'rayev. Keling, ingliz tilini o'rganamiz!.....22

ENGLISH EXPRESSIONS

Ulug'bek Yunusov. Shopping phrases.....25

XORIJIY MUTAXASSIS TAJRIBASI

Learning vocabulary in the primary classroom by Coralyn Bradshaw.....28

LEARN ENGLISH

Learning English through English picture books by Opal Dunn.....30

Sharing English picture books with your child by Opal Dunn.....31

METODIK TAVSIYA

S.Akbarova. Ingliz tilini o'rgatishda she'r va qo'shiqlarning ahamiyati.....32

TAHLIL

Manzar Abdulkayrov. «Sen o'z xulqungni tuzgil...».....33

TADQIQOTLAR

To'liqin Saydaliyev. Abdulla Qodiriy fikratining tarjimalardagi badiiy in'ikosi.....36

Usmon Qobilov. «Qisasi Rabg'uziy»da tabiat va inson uyg'unligi.....40

Shahriyor Jo'rayev. Tojik tili shevalaridagi o'zbekcha o'zlashmalar.....43

Shahnoza Nazarova. Dostonlarda sinov motivlari poetikasi.....44

Sanobar Jumanova. Mediamatn tahlili mediasavodxonlikning asosiy komponenti.....47

АКТУАЛЬНОЕ СЛОВО ДНЯ

Д.Ш.Халикова. Инновационные технологии в образовании.....49

как средство формирования полиязычной личности.....50

З.С.Таштемирова. Лингвострановедение и изучение языков.....50

МЕТОДИКА. ОПЫТ

Л.Т.Ким. Значение в истории театра пьес А.Н.Островского.....52

«Бесприданница» и «Снегурочка».....52

ЯЗЫКОЗНАНИЕ

Н.Р.Мадаминова. Стилистические функции фразеологических оборотов.....57

на материале произведений поэтов-футуристов.....57

ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ

Р.Г.Назарьян. Орнитологические мотивы.....59

в повести Гафура Гуляма «Озорник».....59

К ЮБИЛЕЮ ПОЭТА

Е.А.Малпиновский. Место и роль фразеологии в творчестве С.Есенина.....61

НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ

С.К.Тен, А.И.Маркова. Производность и членность русских лексем.....66

при преподавании в национальной аудитории.....66

ПРОБЛЕМЫ. ПОИСКИ. РЕШЕНИЯ

Ф.М.Кучкарова. Связь учебных материалов при их структурализации.....69

Д.У.Джуроев. Мастерство преподавателя при взаимодействии вуза.....70

и образовательных учреждений в инновационном пространстве.....70

ИЗУЧАЕМ ИНОСТРАННЫЕ ЯЗЫКИ

Н.Ю.Шакирова. Учет типологических языковых различий.....72

в процессе преподавания немецкого языка.....72

ИСПОЛЬЗУЙТЕ ЭТИ МАТЕРИАЛЫ

О.Т.Уринова. Работа с текстом на занятиях по русскому языку.....75

Н.Э.Сапарова. Обучение студентов работе над академическим эссе.....76

на материале английского языка.....76

Ш.И.Назарова. Роль аудирования в обучении русскому языку в узбекской школе.....77

СЛОВАРИ

Г.И.Ядгарова, Ф.Д.Шакарлова. О соотношении общей и учебной лексикографии.....78

TIL VA ADABIYOT
TALIMI

LANGUAGE AND LITERATURE
TEACHING

jurnali O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosati qarori
bilan tasdiqlangan ro'yxatga ko'ra Filologiya va Pedagogika fanlari bo'yicha fan doktori ilmiy darajasiga
talabgorlarning dissertatsiya ishlari ilmiy natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar e'lon qilinishi lozim bo'lgan
respublika ilmiy jurnaldir.



Манзар АБДУЛХАЙРОВ,
филология фанлари номзоди

«СЕН ЎЗ ХУЛҚУНГНИ ТУЗГИЛ...»

Алишер Навоий ҳазратларининг аксарият ғазаллари ботиний-шеърий тафаккур тарзига хос бўлиб, комил инсоннинг гўзал ахлоқини ўзида намоён этган. Ғазалларнинг айримлари панднома руҳида ҳам ёзилган. Яна баъзилари борки, бадиий тафаккурни баён этиш усули жиҳатидан ўзгача бир фасоҳат тилида битилган. Уларда яққол кўзга ташланиб турадиган рамзий ифода — шоир панд-насиҳатни биргалик кайфиятида, ҳатто ўз шахсига қарата баён этишидир. Бундан мурод — фақат поэтик тафаккур тарзини ўзгартириш, яъни шеърий матн замиридаги поэтик мунгни ботинийлаштириш эмас. Шунингдек, руҳий камолот сари қадам ташлаган ҳар бир комил инсон хокисорлик юзасидан ана шундай ботиний изтироб аралаш зоҳирий тутумни маҳкам тутмоғи жоизлигига яна бир рамзий ишора ҳам эди. Илло, шоир наздида ҳар бир шеърий ҳаракат воқеликка эш бўлиши жоиз. Дарҳақиқат, буларда улуғ шоирнинг воқеликка вобаста ҳам ботиний, ҳам зоҳирий бир дилтанг кайфияти мужассамки, уни ҳар томонлама бир мавзу, чиройли бир ораз доирасида қамраб, шарҳлай олиш анча мушкул юмуш, зеро, бу ҳақда истаганча мулоҳаза юритиш мумкин.

Е.Э.Бертельснинг эътирофича, пандномалар дастлаб қадим сосонийлар даврида насрда яратилган бўлса-да, X–XIII асрларда шеъриятга ҳам кириб кела бошлаган. Бироқ у даврлардаги шеърий пандномаларда кузатилмаган умумий муштараклик — поэтик кашфиётлар улуғ шоир шеъриятида кўплаб учрайди. Зеро, Навоий лирикасидаги пандномаларда гўзал истиора, тарсиъ, тазод, ийҳом, тажнис, сифатлаш, қиёслаш, ташбиҳ каби лафзий-маънавий санъатлардан тортиб, ботиний маънолар билан уйғун бўлган ҳайратомуз мантикий бир тавр ва хилма-хилликни кўрамиз. Уларда шоирнинг бадиий тафаккури янада аниқ ифодаланган. Қолаверса, Навоий ижодидаги панднома — поэтикасининг ҳам содда, ҳам мураккаблик



тарзи, яъни ҳам диний-дунёвий, ҳам фалсафий-тасаввуфий мушоҳада-мукошифаларга бойлиги бошқа бир давр пандномаларига нисбатан алоҳидалик касб этади. Улуғ мутафаккирнинг масалага бундай ёндашуви кишига самолар қадар юксак завқ-шавқ бағишлайдики, бу — фавқуллодда равишда инсон руҳий эҳтиёжини қондиради. Бундай илоҳий-ботиний характердаги ибратомуз ғазалларнинг айримлари халқона, гўё ҳаммага тушунарли тилда ёзилгандек кўринса-да, аммо у ҳар қандай китобхонга ўз комиллик сирини осонликча очавермайди. Масалан, қуйидаги ғазални олайлик:

Сен ўз хулқунгни тузгил, бўлма эл
ахлоқидин хурсанд,
Кишига чун киши фарзанди ҳаргиз
бўлмади фарзанд.
Замон аҳлидин уз пайванд, агар десанг
бирова бирла
Қилай пайванд, боре қилмағил ноаҳл
ила пайванд.
Кўнгул комини кўй, гар худ менинг
девона кўнглумни
Топарсен, айла юз парканду сол ҳар
итга бир парканд.

Эшитмай халқ пандин, турфақим панд элга
ҳам дерсен,
Қила олсанг, эшитгил панд, сен ким,
элга бермак панд?!

Бу фоний дайр аро гар шоҳлиғ истар эсанг,
бўлғил
Гадолиғ нониға хурсанду бўлма шаҳға
ҳожатманд.

Бўлуб нафсингга тобиъ, банд этарсен тушса
душманни,
Сенга йўқ нафсдек душман, қила олсанг ани
қил банд.

Шакарлаблар табассум қилганин кўргач кўнгул
берма,
Ки, бедилларни аччиғ йиғлатур охир
бу шаққарханд.

Жаҳон лаззотини ширин кўрарсен,
лек бандингдур,
Гирифтор ўлма, воқиф бўлки,
қайду қанд эрур монанд.

Кўнгулдин жаҳл ранжи дофи и гар
истасанг бордур,
Навоий боғи назми шаккаристонида
ул гулқанд.

Тўққиз байтдан таркиб топган бу ғазални ғоялар баёни, мазмун-мундарижаси мутаносиблиги жиҳатидан, айниқса, зоҳирий маъносига кўра панднома руҳида ёзилган, дейишга тўғри келса-да, ғазалда сўз комил инсон ахлоқи ҳақида бораётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Тўғрироғи, ғазалнинг маънавий жозибаси, айниқса, шоирнинг кўнгилга муножоти, яъни инсоннинг ботиний кўнгил олами очилишига орзуманд бўлишида намоён бўлади. Аниқроқ айтганда, ғазалнинг маънавий латофати кўнгил тарбиясига қаратилган оҳорли ва илоҳий, яъни Ҳақ нури билан зийнатланган фикрларда аниқ-таниқ кўринади. Ғазалнинг зоҳирий маънолар олаmidан шу ҳолат ҳам англашиладики, шоир ўзининг бу маҳорат мактаби орқали ҳар қандай худбин, жоҳил, хасис, ҳарис, нафс гирдобига мубтало бўлган инсонларни қайта тарбиялашга камарбаста бўлаётгани ҳам аниқ сезилиб туради. Чунки бу ҳолат ижтимоий ҳаёт тақозоси билан юзага келган. Шоир жамиятдаги бундай ҳолатларни, яъни ўзидаги ахлоқий қусурни ҳеч бир вақт илғай олмайдиган, бир-бирига икки томчи сувдек қисматдош айрим кимсаларга тўғридан-тўғри панд бериш бефойдалигини жуда теран идрок этган:

Сен ўз хулқунгни тузгил, бўлма эл ахлоқидин
хурсанд,
Кишига чун киши фарзанди ҳаргиз бўлмади
фарзанд.

Шоир бу байтда рамзий ифода усули воситасида киши асранди бир болага қанчалик меҳр-муҳаббат кўрсатмасин, бутун борлигини бермасин, барибир бир кун келиб у асл ўзлигини намоён этади, деган ғояни илгари суради. Шоир ниҳоясиз изтироб билан бу аччиқ ҳақиқатни шундай талқин этади: ҳеч қачон киши фарзанди кишига фарзанд бўлмагани каби бировнинг гўзал хулқи ҳам бошқа бировнинг хулқига зеб бўла олмайди, ахир у нима қилса ҳам бировнинг дарди, бировнинг хулқи-да! Бас, эй банда, сен бундан масрурланмагин-да, яхшиси, тезроқ ўзининг яхши, покиза хулқингни тузишга киришгил, акс ҳолда кеч бўлади.

Албатта, ушбу байт замирида мажозий маънолар ҳам бор. Шу боис бу ерда **таврия** ("луғатта бир нима ни беркитиб, ўзгасин кўрсатмақдур ва аташ ваҳжи зоҳирдур") маънавий санъати қўлланилган, деб фараз қилсак, у ҳолда бунда ушбу маъно-мазмун ҳам бор: инсондаги азалий-илоҳий жасорат фақат ўз хулқини тарбият этишида намоён бўлмайди. Ахир бу ҳам худбинликнинг бир кўриниши эмасми? Афтидан, бу ўринда шоирнинг ўз давридаги айрим сўфинамо кишиларга мажозий бир зардаси ҳам йўқ эмас. Шоир фикрича, илоҳий жасоратнинг аввали тангри таоло суйган ҳар бир инсонни севиш, унинг

муаммоларига бефарқ бўлмаслик, қувончидан мудом шодланишдир.

Замон аҳлидин уз пайванд, агар десанг
бирова бирла
Қилай пайванд, боре қилмагил ноаҳл ила
пайванд.

Яъни: "Эй инсон, замон аҳлидан ким биландир ошно тутинишни ихтиёр этсанг, бу йўлда асло ноаҳил киши билан алоқа қилма".

Бу ўринда "алоқа", "муносабат"; "меҳр-муҳаббат"; "васл" маъноларидаги пайванд сўзи уч маротаба қўлланган бўлиб, **тажнис**, **иштиқоқ** ёки **шибҳ-и иштиқоқ** бадиий санъатларини ҳосил қилган, дейиш мумкин. Зеро, "Бадойиъу-с-санойиъ" асарининг муаллифи Атоуллоҳ Ҳусайний бу ҳақда ёзади: "...Ажам шуароси наздида андин ибораттурким, садрда, яъни биринчи мисра бошида, биринчи мисра ҳашвида, яъни ўртасида бир лафзни келтирурлар ва яна ўшул лафзни ўшул маънода байт охирида зикр қилурлар ёки ораларида ё тажнис, ё иштиқоқ, ё шибҳ-и иштиқоқ бўлган икки лафзнинг бирин биринчи мисранинг садри ё ҳашвида келтирурлар, иккинчисин эса ажзда – байт охирида". Демак, байтда **шибҳ-и иштиқоқ** санъатининг иккинчи тури қўлланилган.

Бу байтни яна қуйидагича шарҳлаш ҳам мумкин: "Эй солиқ – сўфийлик ихтиёр қилган огоҳ мусофир, кўнгилни хилватга олиш фурсати етди, яъни бу йўлда нафақат ноаҳил кишилар билан, балки замон аҳлидан алоқани узиб, ёлғиз ёр – тангри васлига интил".

Кўнгул комини қўй, гар худ менинг девона
кўнглумни
Топарсен, айла юз парканду сол ҳар итга бир
парканд.

Бунда яна ўша илоҳий ишққа мубтало бўлган кўнгилнинг дунё ҳою ҳавасларига мойил эмаслиги ҳақида сўз юритилади. Албатта, бунда байтнинг биринчи мисрасида шоирнинг ҳолати руҳияси мужассам. Уни қуйидагича талқин қилиш мумкин: "Агар менда ё дунё молига ҳавас, ё кўнглимда кимгадир покликни кўз-кўз қилишга бир орзумандлик уйғонган бўлса, унда менинг ёлғиз бу девона кўнглимни юз бўлакка нимталаб парчаларини ҳар бир итга биттадан тақсимлаб бера қол".

Эшитмай халқ пандин, турфаким панд элга ҳам
дерсен,
Қила олсанг, эшитгил панд, сен ким,
элга бермак панд?!

Бу ўринда шоир сўз амал дарахтининг илоҳий меваси эканлигига сирли ишора қилади. Дарҳақиқат, Жалолиддин Румий ҳазратлари ҳам сўзга шундай тавсиф беради: "Ҳар нарсанинг асли – сўз... Сўз амал дарахтининг мевасидир". Зотан, мутафаккир наздида, ҳар бир инсон кишига панд-насихат беришидан аввал ўз сўзига ўзи қатъий амал қилиши лозимлиги ҳақида ҳам чуқур ўйласин, яъни ўзининг

кимлигини англасин ва халқ пандини эшитмай туриб ҳам улусга панд-насиҳат қилиш жоиз ёки ножоизлиги борасида мулоҳаза юритсин, деган поэтик ғояни илгари суради. Бу ўринда ҳам ғазалнинг иккинчи байтидаги каби **шибҳ-и иштиқоқ** санъати қўлланилган. Бу байтда *панд* сўзининг уч марта худди шу тарзда келганлигини кўрамиз.

Бу фоний дайр аро гар шоҳлиғ истар
эсанг, бўлғил
Гадолиғ нониға хурсанду бўлма шаҳға
ҳожатманд.

Яъни бу ўткинчи дунёда мабодо кишида шоҳликка ёхуд мол-дунё йиғишга рағбат уйғонса, у ўз гадолигига ҳам масрур бўлиб, шоҳға ҳожатманд бўлмагани маъқул.

Бўлуб нафсингга тобиғ, банд этарсен тушса
душманни,
Сенга йўқ нафсдек душман, қила олсанг ани
қил банд.

Улуғ шоир назарида нафсига тобе инсон кўпинча йўлида учраган ҳар бир кишини ўзига душман деб билади. Улардан гумонсирайди ва, энг қизиғи, уларни маҳв этишга интилади. Чунки бундай нафс бандалари ўз одатини тарк этиши амри маҳол. Бинобарин, инсон маънавиятсиз бўлса, унинг нафси рухиятини тезда занжирбанд этиши муқаррар. Шоир кишиларга шундай панд-насиҳат беради: “Эй инсон, аслида сенга ўз нафсингдан кўра ёмонроқ душман йўқ. Агар қурбинг етса, у сени асир этмасдан, сен уни банд эт. Ана шунда шоядки, сен ҳам руҳий озодликка мушарраф бўлурсан”, – дейди. Бунда Навоийнинг бани башар авлодини биргаликда нафсни маҳв этишга, яъни нафсни мужоҳида – тизгинлашга чорлови бор. Ушбу сатрлар тубидаги ботиний маъноларга кўра комил инсон нафақат ҳеч бир вақт ўз ҳолатидан қониқиш ҳосил қилмаслиги керак, балки мудом ўзини тангри олдида гуноҳкор ҳис этиб, нафс жоловини ҳеч маҳал қўлдан бой бермаслиги зарур, дейди шоир.

Шакарлаблар табассум қилганин кўргач
кўнгул берма,
Ки, бедилларни аччиғ йиғлатур охир бу
шаккарханд.

Яъни: “Гар ширинсухан кишиларнинг чиройли табассумини кўрсанг, уларга учиб, бирдан кўнгул бермагин. Зеро, бу сохтакор ноз-карашмали чехралар неча-неча ошиқларни аччиқ-аччиқ йиғлатмаган”. Ушбу байтнинг иккинчи мисрасидаги “бедил” сўзига эътибор қилинг. Бу сўз “кўнгулсиз”, “бемажол”, “маҳлиё”, “қайғули”, “қайғу-аламли маъшуқа”, “ошиқ” сингари маъноларни ифодалаб келган. Зотан, бу байт замирида ҳам мажозий маънолар мужассам.

Жаҳон лаззотини ширин кўрарсен, лек
бандингдур,
Гурифторм ўлма, воқиғ бўлки, қайду қанд
эрур монанд.

Бу ўринда шоир аввалги байтдаги поэтик тафаккурни янада кучайтириб, давом эттиради: “Эй инсон, дунёнинг тотли неъматларини ширин жон қадар яхши кўрасан. Агар билсанг, аслида сен уларнинг банди – асирсан. Унга ҳаддан зиёда мафтун бўлма, огоҳ бўл – у худди ширинлик каби ўзига тортади”. Шоирнинг бу фикрлари шунчаки бир бадиият мажбурияти талабидан келиб чиқиб, қоғозга туширилмаган, албатта. Аслида бу хусусиятлар шоир шахсиятида мужассам эди. У ҳолда улуғ шоир бошқа бир ўринда бундай демаган бўлур эди:

Кўзунг фикри била тан хилватида
нотавон кўнгул,
Риёзат айнидиндур кунда бир бодом
ила қонё.

Байтда қўлланилган “нотавон кўнгул”, “риёзат айна” ва “бодом” – тасаввуфий рамзларга ишора. Нотавон кўнгул – нотинч, бетоқат, бечора, доимо ёр васлига муштоқ бўлган кўнгул. Риёзат айна – риёзат назари, ишқ туфайли чекилган риёзат. Бодом – қаноат тимсоли. Шоир ҳақ йўлида чин риёзат чекувчи тангри бандаси бир кунда бир дона бодом емоқ билан кифояланади, дейди.

Кўнгулдин жаҳл ранжи дофии гар истасанг
бордур,
Навоий боғи назми шаккаристонида
ул гулқанд.

Шоир наздида кимсанинг кўнглида номавзун сифатлар – жаҳл, жаҳолат, нодонлик, сохталлик, ғафлат куртак очган бўлса, уни даф қилишнинг иложи бор. Бу шеъриятдир. Шеърият бўлганда ҳам Навоийнинг шириндан шаккар шеърият боғи, унинг ўртасида бир гулқанд (қизил гул япроғи билан шаккарни ара-лаштириб офтобда тайёрланадиган ширинлик) бор. Лекин унга етишиш ҳам кўп осон иш эмас. Зеро, киши бу йўлда дуч келадиган ҳар қандай машаққатга бардош бериб, риёзат чекишга тайёр бўлиши зарур. Кўринадики, бу сатрлар замиридаги ботиний маънолар шу гулқанд сўзи замирида тажассум топган. Чунки Навоий бу ўринда ўқувчи диққат-эътиборини табиий равишда тайёрланадиган гулқанд хусусиятига қаратади. Шоир фикрича, инсон бағир қони бамисоли гўё гулқанддек шаффоф-қизил бўлади. Нақадар фаройиб ташбих: агар инсон кўнгли ҳам шу гулқанд сингари табиий маънолар қуёши нурига беланса, у ҳам орифнинг ҳассос кўнглига айланиши тайин. Илло, инсон кўнгли руҳсиз бир жисм холос. Унинг кўнгул руҳи эса мудом маънолар қуёши нурига эҳтиёж сезиб яшайди.

Умуман, ғазал ботинан рамз ва мажозий маъноларга бойлиги, зоҳиран эса улкан бадиий ва ғоятда беназир панд-насиҳат касб этганлиги билан улуғ шоир ғазалиётида муҳим ўрин тутди. Бу ғазал ўзбек поэтик тафаккур тарзида янгича бир тавр уйғотади ва киши қалбида боқий шеъриятга ташналик ҳиссини янада орттиради.